

**“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан «Кириш. I боб. Ер тузишни лойиҳалашнинг  
услубий масалалари» мавзусидаги кўргазмали маъруза таълим технологияси модели**

Вақт 2 соат	Талабалар сони 20
Ўқув машғулоти шакли	Кўргазмали маъруза
Маъруза режаси	Ер тузишни лойиҳалаш тушунчаси ва унинг ер тузиш тизимидағи ўрни
Ўқув машғулот мақсади	<b>“Ер тузишни лойиҳалашнинг услубий масалалари”</b> Ер тузишни лойиҳалаш тушунчаси ва унинг ер тузиш тизимидағи ўрни тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш
Педагогик вазиятлар  1. Ер тузишни лойиҳалаш тушунчаси ва унинг ер тузиш тизимидағи ўрни хақида тушунча беради.	Ўқув фаолияти натижалари  1. Ер тузишни лойиҳалаш тушунчаси ва унинг ер тузиш тизимидағи ўрнини тавсифлаб берадилар
Таълим усуллари	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара
Таълимни шакллантириши шакли	Оммавий, жамоавий
Таълим воситалари	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
Таълим берииш шароити	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: тезкор сўров

“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан «Кириш. I боб. Ер тузишни лойиҳалашнинг услугий масалалари» мавзусидаги кўргазмали маъруза технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	<p><b>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот кўргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади.</b></p> <p><b>Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</b></p> <p><b>Ақлий хужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)</b></p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p><b>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади.</b></p> <p><b>2.2. Мавзу режаларига хulosалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.</b></p> <p><b>2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)</b></p>	<p>Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Асосий тушунчаларни мухокама қиладилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p><b>3.1. Мавзу бўйича умумий хulosса қиласи. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</b></p> <p><b>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</b></p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

## **Мустақил иш мавзулари**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси».
- 2.Хўжаликларо ер тузиш жараёни ва уни ўтказишнинг асослари
- 3.Қишлоқ хўжалик ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш ва тартибга солиш.

## **Адабиётлар**

- 1. Авезбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.
- 2. Avezbaev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash. - T.: “Faylasuflar milliy jamiyati”, 2007. – 470 b.
- 3. S.Avezbaev, T.Karabayeva. Yer tuzish. - T.:TDAU, 2005. – 305 b.
- 4. Землеустроительное проектирование. Под.ред. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

## **• Кўшимча**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари.Т.: Адолат, 1999.
- 2. www. Ziyo. net
- 2. http:www. guz. Ru

# **МАВЗУ: КИРИШ. I боб. ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ**

## **Режа**



**1. Ер тузиши лойиҳалаш тушунчаси ва унинг .....  
ер тузиш тизимидағи ўрни**

## **Ер тузишни лойиҳалаш тушунчаси ва унинг ер тузиш тизимидағи ўрни**

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш жараёнида ечиладиган асосий масала - ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва тупроқ унумдорлигини доимий ошириб боришидир.

Ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини доимий ошириб бориш, дехқончилик маданиятини кўтариш, илм-фан ва техника ютукларидан фойдаланишга шароит яратиш, ерни ва атроф мухитни қўриқлаш ҳозирги вактда ер тузишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

**Ер тузиш назариясини, услубиятларини ва иқтисодий-ижтимоий негизини ўрганадиган асосий фан - ер тузишни лойиҳалаш фанидир.**

Ер тузишни лойиҳалаш фани табиат ва жамият ривожланиш қонунлари асосида ривожланиб, фан ва техника ютуклари, доимий ўсиб борувчи ишлаб чиқариш талаблари ва ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига мос тушадиган, уларнинг тўхтовсиз ривожланиб боришига, ҳамда табиатни муҳофаза қилишга замин яратадиган қилиб ер майдонларини ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқади.

*Лойиҳа* - бу иншоотлар, механизмлар, бинолар, илгор технологиялар ва бошқаларни яратиш, амалга оширишнинг ҳисоб-китоблари, йўллари ва чизмалари келтирилган ҳужжатлар тўпламидир.

*Ер тузиш лойиҳаси* - халқ хўжалигида ердан самарали фойдаланишни таъминловчи ер ландшафтларини яратишга, уларни иқтисодий, ижтимоий ва экологик баҳолашга қаратилган, ҳамда уларга ҳуқуқий асос берадиган ҳужжатлар тўпламидир. Ер тузишни лойиҳалаш ишлари қишлоқ хўжалик ва ноқишлоқ хўжалик корхоналарида, корхоналараро бирлашмаларда олиб борилади.

*Ер тузишни лойиҳалаши* - ер тузишнинг асоси ва ажralmas бўлагидир. Унинг ёрдамисиз ердан самарали фойдаланишни ва ерларни муҳофаза қилишни ташкил этиш мумкин эмас.

*ер тузишни лойиҳалаши фани* – ердан тўла ва самарали фойдаланишини ташкил қилувчи лойиҳаларнинг назарий асосларини, турларини, таркибини, амалий бажарилишини ва ҳаётга тадбиқ қилиши йўлларини ўргатувчи фандир.

## **МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ**

1. Ер тузишни лойиҳалашнинг услубий масалалари.
2. Ер тузишни лойиҳалаш фанининг предмети, усуллари, тамойиллари.
3. Ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари. Ер тузишни лойиҳалаш тизими, лойиҳалаш босқичлари.
4. Ер тузиш лойиҳалари классификацияси. Лойиҳа ҳужжатлари
5. Лойиҳалаш технологияси асослари. Лойиҳалашни ташкил этиш.
6. Ер ислоҳати ва ер тузишни лойиҳалашнинг янги вазифалари.
7. Хўжаликларо ер тузишнинг иқтисодий моҳияти, тушунчаси, вазифалари ва мазмuni.
8. Ер фонди, унинг таркиби ва фойдаланилиши.
9. Хўжаликларо ер тузишнинг вазифалари ва мазмuni
10. Хўжаликларо ер тузиш лойиҳасини ишлаш учун тайёргарлик ишларини бажариш.
- 11.Хўжаликларо ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.
- 12.Хўжаликларо ер тузиш лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.
13. Хўжаликларо ер тузиш жараёни ва уни ўтказишнинг асослари.
14. Хўжаликларо ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва ер эгаликлари чегарасини расмийлаштириш.
15. Хўжаликларо ер тузиш лойиҳасини расмийлаштириш, ерга эгалик қилиш хукукини берувчи давлат актини тайёрлаш ва топшириш.
16. Қишлоқ хўжалиги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш.
17. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер эгаликларини (ердан фойдаланишларини) ташкил этишининг тамойиллари
18. Ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш.
19. Фермер хўжаликлирида хўжаликларо ер тузишнинг хусусиятлари.
20. Мавжуд ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни тартибга солиш.

## **ҚҰШИМЧА МАВЗУЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси».
2. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисидаги» қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 март.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни.
8. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқороларга узок муддатли ижарага бериш тартиби.
9. Ўзбекистон Республикасида Ер тузишнинг Асосий Низоми.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011 й. N 146. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёjlар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011 й. N 147. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5-октябрдаги “Фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3077-сонли фармойиши.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18-октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3512-сонли фармойиши.